

Ш.Б. ҚУЛМАНОВА, Б.Р. СУЛЕЙМЕНОВА, Т.Т. ТОҚЖАНОВ

МУСИҚА

Умумтаълим мактабларининг
2-синфи учун дарслик

2

*Қозоғистон Республикаси
Маориф министрлиги тасдиқлаган*



Алматы
«Атамұра» –  «Жазушы»
2022

ӨӨЖ 373.167.1
КБЖ 85.31 я71
Қ 71

Шартли белгилар:



– мусиқа тинглаш



– қўшиқ куйлаш



– ўқиш



– ўйин



– топшириқлар, саволлар

Қулманова Ш.Б. ва бошқ.
Қ 71 Мусиқа. Умумтаълим мактабларининг 2-синфи учун дарслик / Ш.Б. Қулманова, Б.Р. Сулейменова, Т.Т. Тоқжанов.
– Алматы: «Атамұра» – «Жазушы», 2022. – 144 бет.

ISBN 978-601-200-793-0

ӨӨЖ 373.167.1
КБЖ 85.31 я71

© Қулманова Ш.Б., Сулейменова Б.Р.,
Тоқжанов Т.Т. 2022

© «Атамұра», 2022

Өзбек тилине «Жазушы» баспасында
аударылды, 2022

ISBN 978-601-200-793-0

МУҚАДДИМА

Ассалому алейкум, ёш дўстим! Мана энди сиз иккинчи синф ўқувчиси бўлдингиз. Мусиқа дарслиги ўзининг ажойиб оламига сеҳрли эшикларини очиб, мусиқий ҳодисалар ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, Ватанга, халққа муҳаббат ҳақида янги билимлар беради.

Мусиқа табиатнинг гўзаллигини тасвирлаб, бахт ҳақида куйлайди. Инсон табиатидаги – меҳрибонлик, ҳурмат, ўзаро ёрдам, раҳм-шафқат каби яхши фазилатлар ҳақида тушунча беради. Шу билан бирга, ўзингизни яхшироқ англашингизга ҳам ёрдам беради.

«Мусиқа» оламига босган қадамингиз қутлуғ бўлсин!



1-бўлим. ЎЗИМ ҲАҚИМДА



Бўлимдан:

- турли кайфиятдаги муסיқаларни таҳлил ва муҳокама қилишни;
- тингланган мусиқа юзасидан фикр ва мулоҳазаларингизни ифодалашни;
- асосий дирижёрлик ҳаракатлари ёрдамида турли қўшиқларни ижро этишни
ўрганасиз.

Муסיқий саводхонлик:

- баланд, паст, товушлар;
- урғу: секин, тез, паст, жуда секин эмас;
- ритм
- динамикаси: баланд (*forte*), секин (*piano*);
- қўллаб-қувватлаш;
- мусиқа асбоблари

Муסיқий таърифлар:

- муסיқий асар – музыкалык шығарма – музыкальное произведение – *piece of music*;
- муסיқий тасвир – музыкалык бейне – музыкальный образ – *musical image*;
- қўшиқ – ән – песня – *song*;
- пьеса – пьеса – пьеса – *piece*;
- куй – күй – кюй – *kuī.stakkato*



БИЛИМ ЙЎЛИ – МЕҲНАТ ЙЎЛИ

1-топшириқ. Тинглаш. Таҳлил. Ижро.



1-сентябрь – Билимлар куни! Бу кунни билимлар байрами дейиш мумкин. Мамлакатимизда бу маросим тантанали ўтказилади. Сиз ҳам синфингиз билан биргаликда байрам дарсини ўтказишга тайёرمىсиз?

Давлат Мадҳиясини 1-синфда ўргангансиз. Ижро этиш талабларини биласиз. Видеотасмага қўшилиб тантанали ва бадий ижро этинг.



Қозоғистон Республикасининг Давлат Мадҳияси

Сўзи: Ж. Нажимеденов, Н. Назарбаев

Муסיқаси: Ш. Қалдаяқов

1. Алтын күн аспаны,
Алтын дән даласы.
Ерліктің дастаны
Еліме қарашы!
Ежелден ер деген
Даңқымыз шықты ғой.
Намысын бермеген
Қазағым мықты ғой!

Нақарот:

Менің елім, менің елім,
Гүлің болып егілемін,
Жырың болып төгілемін, елім,
Туған жерім менің – Қазақстаным!

2. Ұрпаққа жол ашқан
Кең-байтақ жерім бар,
Бірлігі жарасқан
Тәуелсіз елім бар.
Қарсы алған уақытты
Мәңгілік досындай.
Біздің ел бақытты,
Біздің ел осындай!

Нақарот.



Шоир Абдрахман Асилбекнинг қаламига мансуб «Ўқув йили бошланди» қўшиғидан парча тингланг.

Жігерлентіп жастарды,
Оқу жылы басталды.
Білім жолын нұрлантып,
Бағындырмақ асқарды.

Оқу – білім бұлағы,
Білім – өмір шырағы.
Меңгергендер осыны,
Шын биікке шығады.

?! Құшиқни муаллимнинг ижросида қунт билан тингланг.
• Құшиқнинг мазмунига эътибор беринг. Шоир нима-
ни тасвирлайди?

• Шеърнинг бешинчи ва олтинчи мисраларида қандай
фикрлар айтилган?

• Синф билан биргаликда құшиқни ифодали ижро этинг.

2-топшириқ. Құшиқ куйлашни ўрганинг.



Салом мактаб, жон мактаб!

Сўзи: С. Мауленов

Муסיқаси: Л. Хамиди

1. Салом мактаб жон мактаб,
Сени севаман мақтаб.
Бизга очиқ қучоғинг,
Ёнингда гулзор боғинг. } *2 марта*

2. Мана қўлимда китоб,
Ўқиш, китоб ҳам ҳисоб.
Шариллатиб ўқийман,
Билағон бўлай дейман. } *2 марта*

3. Қалам, ручкам бор мана,
 Ёзаман дона-дона.
 Хатим бўлсин чиройли,
 Қулиб турсин нақ ойдек. } 2 марта

- ?! • Қўшиқни муаллимнинг ижросида диққат билан тингланг.
 • Қўшиқ мазмунидан нимани тушунганингизни айтинг.
 • Қўшиқнинг биринчи бандини муаллим ёрдамида ўрганинг.

3-топшириқ. Муסיқий саводхонлик.



Овоз кучи, тембр, овоз баландлиги, ритм муסיқий ифода воситаларга киради.

4-топшириқ. Ижодий иш.



«Ўйла, изла, топ»
 (дидактик ўйин)

Ўйиннинг асосий мавзуси:

«Билим ҳақида мақол ва топишмоқлар»

Ўйин шарти: Уч гуруҳга бўлинади. Ҳар бир гуруҳ тегишли топшириқларни бажаради. Қайси

гурух барча топшириқларни тўғри бажарса, шу гурух ғалаба қозонади.

1. Мақолларни тушунтиринг.

Биринчи гурух: «Билаги зўр бирни йиқар,
Билими зўр мингни».

Иккинчи гурух: «Билим боши – меҳнат,
охири – роҳат».

Учинчи гурух: «Хунар – оқиб турган булоқ,
Билим – ёниб турган чироқ».

2. Ҳар бир гурух мақолларни мусиқа орқали ижро қилади. Ўқувчилар ўз хохишларига кўра мусиқа яратадилар (таниш куйлардан ёки импровизация куйлардан).

Топшириқни бажариш талаби: мақолларни оҳангга солиб мусиқа асбоблари (овоз кучи, тембр, овоз баландлиги, ритм) жўрлигида ижро этиш.

3. Билим ҳақидаги топишмоқларни топинг.

1. Сандиқ тўла писта-бодом,
Очиб кўр, бўлсанг одам.
Хосияти кўп олам-олам,
Териб ол уни ҳар дам.

2. Уйимиз нурдан,
Ўрганиш биздан,
Ўргатиш сиздан.

3. Қўл билан экилади,
Кўз билан терилади,
Оғиз билан ўрилади.

4. Бир уй бор:
Кўр бўлиб кирасан,
Кўзли бўлиб чиқасан.

Баҳолаш.

- «Салом мактаб, жон мактаб!» қўшиғини қандай ижро қилдим?
- Қўшиқни ижро қилганда қандай қийинчиликлар бўлди?
- Муסיқий асбоблар ҳақида қандай тушунча олдим?



УҚАМГА МЕНИНГ СОВҒАМ!

1-топшириқ. Тингланг. Таҳлил қилинг.

Бауырымды еркелетіп, бауырыма басамын.
Жақын жүрсе, көңіл гүлдеп, мерейім де асады.
Кеңес берген, демеп жүрген, қанымыз бір, бауырым,
Саған арнап жыр кестемен құнды сыйлық жасадым.

?! Бу қўшиқни Айнур Миркамолқизи ўз укасига бағишлаб ёзган.

- Қўшиқни муаллим ижросида тингланг.
- Синф билан бирга, ифодали ўқишга ҳаракат қилинг.
- «Бауырымды еркелетіп, бауырыма басамын» сўзларини қандай тушунасиз?
- Тасаввур қилинг. Уқангизга қандай совға берган бўлар эдингиз?

2-топшириқ. Таҳлил. Қўшиқ ўрганамиз.

 **Бесік жыры**

Сўзи: А. Асылбек

Муסיқаси: А. Бушикова



1. Өне, балақай,
Кеш болды, алақай!
Аспанда жұлдыз,
Қалқиды жаңа Ай.
Қарашы, балақай.

Нақарот:

Жұлдыздар жайнайды,
Жымыңдап ойнайды,
Тыныштық ойлайды.
Жата ғой, балақай.

2. Үнсіз таулар да,
Бақша да, баулар да.
Мүлгіген сенің
Күндізгі аулаң да.
Қарашы, балақай.

Нақарот.

3. Өнші құстар да
Түн болса, ұшқан ба?
Бір мезет тыным
Табады құстар да,
Тынымсыз құстар да.

Нақарот.

?! Құшиқни бошидан охиригача тингланг, ким ҳақида айтилади?

- Бу құшиқни ким ижро қилади?
- Қўшиқда опалари укасига нима ҳақида айтади?
- Қўшиқ қандай ҳис-туйғуларни ифодалайди?

Катакчалардан құшиқ мазмунини таърифлайдиган сўзларни топиб, тушунганингизни айтинг.

Нозиклик

Қўрқинч

Муҳаббат

Юпатиш

Қувонч

- Қўшиқнинг бир банди билан Нақаротини ўрганинг.

Қўшиқ – шеър ва мусиқанинг умумий маҳсулоти, оддий мусиқий асар.

3-топшириқ. Тингланг. Таҳлил қилинг. Таққосланг.



Бесік жыры

Мусиқаси: Г. Абдрашева

?! «Бесік жыры» пьесасини «Мусиқа тинглаш талаблариға» асосан тингланг.

- Муסיқа қандай асбобда ижро этилди?
- Муסיқа тинглаганда кўз олдингизда нимани тасаввур қилдингиз?
- Пьесанинг асосий куйини «ля» бўғинида айтиб, қўл ҳаракатлари орқали муаллим билан бирга ижро қилинг.

Шошилмай, сокин



Пьеса – кичик ва драматик муסיқий асар. Турли хил муסיқий пьеса, қўшиқ ёки асбобли импровизация муסיқий асарга киради.



Бөбегім

Т. Тоқжановнинг куйи





Куйчи куйни чалиб, «Бө-пе-шім, кө-ке-шім, Ай-на-ла-йын бө-пе-шім» деб дўмбирага жўр бўлиб куйлайди.

?! Куйни тингланг, куйидаги саволларга жавоб беринг:

- Куй қандай асбобда ижро қилинди?
- Куйнинг ритми қандай?
- Отанинг болага бўлган мухаббати қандай тасвирланган?

Меҳр

Ўжарлик

Ғамхўрлик

Ўкинч

Қувонч

- Куй ижроси давомида муаллим билан биргаликда куйидаги сўзларни куйлаб, динамик белгиларни фойдаланган ҳолда ифодали айтинг:

Ля - ля - ля - ля - ля - ля - ля, ля - ля - ля - ля - ля - ля - ля - ля

Бө - пе - шім, кө - ке - шім, Ай - на - ла - йын бө - пе - шім
f *p* *f* *p*

Куй – дўмбира ва бошқа халқ асбобларида ижро этиладиган мусиқий асар.

Куйчи-бастакор – куйни яратадиган (ёзадиган) мусиқачи.

Куйчи (ижрочи) – куй чаладиган одам (мутахассис).

?! Дарсда ўтилган иккита асарни «Бесік жыры» пьесасини ва «Бөбегім» куйини таққосланг. Ўхшашлиги ва фарқини топинг.

Куйидаги саволларга жавоб беринг:

- Асарлар кимга бағишланган?
- Улар қандай кайфиятда ижро қилинди?
- Учта асарнинг қайси бирини қўшиққа, куйга ёки пьесага ажратиш мумкин?

- Биринчи синфда ўрганган ноталарни ёдингизга тушириб, «Ёлди, ёлди, бауырым» сўзларига мусиқа яратинг. «Бесик жыры» оҳангига мос бўлсин.

- Тузган мусиқангизни қўл ҳаракатлари орқали кўрсатинг.


Баҳолаш.

- «Бесик жыры» қўшиғини қандай ижро қилдим?
- Қўшиқни ижро этганда қандай қийинчиликлар бўлди?
- Топшириқ асосида бажарган таҳлилим тўғри бўлдими?



АҚЛЛИ ЎЙИНЧОҚЛАР

1-топшириқ. Тингланг. Таҳлил қилинг.

 Мусиқа тинглаган вақтда, энг аввал унинг номига эътибор берамиз. Номи бизга тушунча беради ва қандайдир бир мусиқий тасвирни ифодалайди. Ҳар бир бастакор ўз образини тасвирлаш учун мусиқадан фойдаланади. Бастакор уни қанчалик бадиий кўрсата олса, биз уни шунчалик тез тушуна оламиз.

Бастакор асардаги образни тингловчига етказиш учун, тембр, ритм, овоз баландлиги, динамик белгилар каби мусиқий ифода воситаларидан кенг фойдаланади.

?! Г. Абдрашевнинг «Ақлли ўйинчоқлар» номли пьесасини тингланг.

- Нима учун бастакор пьесани «Ақлли ўйинчоқлар» деб номлаган?

- Қандай ўйинчоқларни «ақлли» деб айтган бўлар эдингиз?



Ақлли ўйинчоқлар

Муסיқаси: Г. Абдрашева



- ?! • Муסיқани диққат билан тингланг.
 • Юқорида берилган расмлардан муסיқага мос келадиган ўйинчоқларни топинг. Синфдошларингизга фикрингизни айтинг.
 • Тинглаган муסיқадаги ўйинчоқларнинг номларини катакчалардан топинг.

Т					Қ
Р				Т	
Ш					Т
П					Д

• Спектаклни тинглаётганда ўйинчоқ образини танидингизми? Фикрингизни баҳам кўринг.

- Бастакор ўз ижодида қандай бадий ифода воситалари орқали муסיқий образни тасвирлаган?

Муסיқий тасвир – бу бастакорнинг тасаввурига мос муסיқий ифода воситаларидан фойдаланиб яратган тасвири (образ).


2-топшириқ. Ижодий иш.

?! Гуруҳ билан ишланг. Ақлли ўйинчоқларнинг бирор-тасига куй басталанг.

- Нота номларини ёдингизга туширинг. Нота чизикларига қараб синф билан биргаликда куйланг.



- Расмга қараб, чорак ва нимчорак ноталарнинг оралиғини ёдингизга туширинг.



- Чорак нотанинг оралиғини «Бирга» бўғини билан, иккита нимчорак ноталарини «Бир-га» бўғинлари билан сананг. Ноталарнинг оралиғини чапак орқали кўрсатинг.

- Оҳанг яратинг. Масалан, уч бўғиндан иборат «**фа-зо-гир**» сўзига «**ля-соль-фа**» ноталар асосида куй яратиб, чорак ва нимчорак оралиғида ижро этинг.



- Оҳангни ижро этиш давомида чапак орқали ёки хохлаган зарбли асбоб билан жўр бўлинг.

3-топшириқ. Қўшиқ куйланг.

- «Бесік жыры» қўшиғининг қолган бандларини ўрганинг.
- Қўшиқни ифодали нозик туйғу билан ижро қилинг.
- Қўшиқ ритмига зарбли асбоб билан жўр бўлинг.


Баҳолаш.

- «Бесік жыры» қўшиғини қандай ижро қилдим?
- «Қўшиқ яратиш» топшириғида қандай қийинчиликлар бўлди?
- «Ақлли ўйинчоқлар» асарини тинглаш давомида унинг мазмунини тўғри тушундимми ёки қийналдимми?



КОИНОТ – МЕНИНГ ОРЗУИМ

1-топшириқ. Маълумот тўплаш. Таҳлил.

 Коинот ҳамма замонларда одамларни ўзининг сирли гўзаллиги билан қизиқтирган. У ҳақида кўплаб эртақлар ҳамда афсоналар ёзилган. Одамлар осмонга қараб, коинотнинг сирларини билгиси келган. Шунинг учун улар турли учиш аппаратларини ўйлаб топишган. Вақт ўтиши билан самолётлар пайдо бўлди. Бироқ коинотга учиш ҳақидаги орзу узоқ вақтлар давомида орзулигича қолаверди.



Ниҳоят космик кема пайдо бўлди, одамлар космосга учишди. Бундай одамларни фазогирлар деб аташади, космик кемаларни учуриш жойи эса – космодромдир. Мамлакатимизда бундай космодром Бойқўнғир шаҳрида жойлашган. «Бойқўнғир» космодромидан коинотга кўплаган таниқли фазогирлар учган.

Видеofilmни синф билан бирга томоша қилинг.

- ?! • Биринчи бўлиб космосга ким учган?
• Қозоқ фазогирларини атанг.

2-топшириқ. Тинглаш. Таҳлил.



Коинот муסיқачиларни ҳам ўзининг жилваси билан мафтун этади. Коинот ҳақида жуда кўп ажойиб муסיқалар ёзилган, шунингдек коинот кўринишларини тасвирлайдиган муסיқий асбоблар ҳам мавжуд. Улардан бири

«Глюкофон» деб аталади. Товушини видеотасмадан тингланг.

?! Коинот муסיқасини тингланг, таассуротларингиз билан ўртоқлашинг.

- Сиз нимани тасаввур қилдингиз?
- Қозоқ халқ асбоблари коинотни тасвирлай оладими?
- Асбобларнинг товушларини тингланг, фикрингизни айтинг.

			
Қўбиз	Дўмбира	Чангқовуз	Жетиген

3-топшириқ. Қўшиқни ўрганинг.



Аспанда бір қала бар

Сўзи: Е. Елубаев

Муסיқаси: О. Несипханов



1. Түн болғанда қарасаң,
Көресіңдер, балалар.
Жарқыраған тамаша
Аспанда бір қала бар.

Қаланың ең алыбы
Бүкіл көкті жайлаған.
Терезелер жарығы
Жұлдыз болып жайнаған.

2. Құс жолы – бас көше де,
Ай – автобус мінетін.
Жолаушыны нешеме
Тасымалдап жүретін.

Аспанда бір қала бар,
Тұратын кіл даналар.
Сенбесеңдер, балалар,
Түнде көкке қараңдар.

Құшиқни охиригача тингланг. Нима ҳақида айтил-
ган?

- ?! •** Құшиқни ўрганишда қўшиқ айтиш қоидаси (сўз-
ларни аниқ талаффуз қилиш) га риоя қилинг.
• Қўшиқни бадий ижро қилинг.

Баҳолаш.

- «Аспанда бір қала бар» қўшиғини қандай ижро қилдим?
- Қўшиқни ижро қилганда қандай қийинчиликлар бўлди?
- Иккинчи топшириқ бўйича ясаган танловим тўғри бўлдими?

Ўрганганингизни текширинг:

1. Қандай бадиий асбоблар орқали мусиқий асарларнинг ўхшашлиги ёки фарқини топиш мумкин? Қуйида берилган катакчалардаги тасвир воситаларини атанг.

С □ □ □ □ Т

Р □ □ М

Т □ □ □ Ш □ □ И

Т □ □ Ш

Б □ □ □ □ □ □ □ И

2. Тест топшириқлари.

1. Гўдакка бағишланган қўшиқни белгиланг:

- А. «Бесік жыры» куйи
- В. болага бағишланган қўшиқ
- С. болалар дам олишига бағишланган қўшиқ
- Д. жўшқинлик билан куйланган қўшиқ
- Е. табиат ҳақида қўшиқ

2. «Бесік жыры» қўшиғининг услубини кўрсатинг:

- А. баланд товуш билан
- В. оҳиста, нозик ҳис билан
- С. хор билан
- Д. оркестр билан
- Е. асатаёқ жўрлигида

3. «Ақлли үйинчоқлар» пьесасида тасвирланган нар-
саларни белгиланг:

- A. айфон, робот, қўғирчоқ, паровоз
- B. робот, машина, самолёт, телефон
- C. қўғирчоқ, ракета, робот, дўмбира
- D. асатаёқ, қўғирчоқ, паровоз, арава
- E. китоб, дафтар, робот, телефон

4. Товуш кучини кўрсатадиган белгиларни атанг:

- A. дўмбира ва бошқа қозоқ халқ асбобларида ижро қилинадиган муסיқий асар
- B. биринчи ва иккинчи чизиқларнинг орасида жойлашган нота
- C. чизиқларнинг орасида жойлашган нота
- D. форте – *f* – қаттиқ, пиано – *p* – оҳиста
- E. болалар дам олишига бағишланган қўшиқ

5. Куй деганимиз ...

- A. қўшиқнинг бир тури
- B. халқ рақсларининг бири
- C. дўмбира ва бошқа қозоқ халқ асбобларида ижро қилинадиган муסיқий асар
- D. сўзсиз айтиладиган қўшиқнинг бир тури
- E. кичкинтойлар рақси

2-бўлим. МЕНИНГ ОИЛАМ ВА ДЎСТЛАРИМ



Бўлимдан:

- дўстларингиз исмларини турли ритмда айтишни;
- турли ритмларни нотага солишни;
- турли қаҳрамонлар образини мусиқа орқали ифодалашни;
- мусиқий саёҳат орқали ўз туғилган юртингиз билан танишиб, турли жанрдаги мусиқани тушунишни;
- тегишли атамалардан фойдаланиш, мусиқани таҳлил қилиш ва муҳокама қилишни;
- ишингизни таҳлил қила олишни ва амалга ошириш бўйича тавсиялар беришни;
- оила ва дўстлар ҳақида турли қўшиқлар куйлашни ва ўзингиз оҳанг яратишни
ўрганасиз.

Мусиқий саводхонлик:

- ритм;
- нимчорак, чорак ноталар;
- мусиқий асбоблар: қўнғироқ, довулпаз, дўмбира;
- регистр;
- асосий куй.

Мусиқий таърифлар:

- ритм – ырғақ – ритм – rhythm;
- оҳанг – әуен – мелодия – melody;
- асосий оҳанг – жетекші әуен –
ведущая мелодия –
leading melody.



МЕҲНАТКАШ БОЛА

1-топшириқ. Тинглаш. Таҳлил. Ижро.



Абай отамиз айтган бешта олийжаноб ишнинг бири – меҳнат. Буюк оқин юртни юрт, одамни одам қиладиган фақат меҳнат деб билган. Бизнинг ота-боболаримиз авлодларини ёшлигидан меҳнатга ўргатган. Ҳалол меҳнат одамнинг бахтли ҳаёт кечирishiга йўл очади, орзуларини рўёбга чиқаради ва эҳтиёжини қондиради.

«Меҳнат билан топилган нон ширин» деган халқимизнинг ҳаётдан олган нақл сўзи, инсон учун қадрли эканлигини исботлайди.



Меҳнат

Шеър муаллифи: Н. Жанаев

Гул ўстирсанг терлаб,
Бунинг оти – Меҳнат.
Кашта тиксанг зарлаб,
Бунинг оти – Меҳнат.
Қирга чиқсанг ўрмалаб,
Бунинг оти – Меҳнат.
Дарсларингга яхшилаб
Тайёрлансанг бу – Меҳнат
Машаққатнинг барчасин
Енгади фақат Меҳнат.

?! Қўшиқни муаллимнинг ижросида қунт билан тингланг.

- Видеотасмадан «Меҳнат» номли мультфильмни томоша қилинг.
- Синф билан бирга қўшиқни ифодали ўқинг.

Нақарот: Еңбекшіл осындай,
Болайықшы, досым-ай! } 2 марта

2. Таза бала мұнтаздай,
Сүйсінеді қараған.
«Ұқыпты, – деп, – бұл қандай!»
Жақсы көрер бар адам.

Нақарот.

- ?! • Құшиқнинг сўзларини аниқ ифодали айтишга ҳаракат қилинг.
• Бошланғич икки сатрини ритмли расм бўйича уриб ўрганинг.



3-топшириқ. Импровизация.

- ?! • «Болайықшы осындай» құшиғининг ритмини зарбли асбоб билан жўр бўлинг. Ўз хоҳишингиз асосида құшиқнинг ритмини ўзгартириб, жўр бўлиб айтинг.
• Муаллим ҳар бир гуруҳга биринчиси – тўғри, иккинчиси нотўғри ритмларнинг расмларини беради. Шунинг ичидан құшиқ ритмини топиб, ўз тушунганингизни айтиб беринг.

Баҳолаш.

- «Болайықшы осындай» құшиғини қандай ижро этдим?
- Қўшиқни ижро этганда қандай қийинчиликлар бўлди?
- Ритм ҳақида қандай тушунча олдим?



ДЎСТЛАРИМ

1-топшириқ. Тингланг. Тузинг.



Дўстлик нима? Дўстлик – бу ҳаётда ҳеч нарса билан ўлчанмайдиган бебаҳо қадриятдир. Дўст орттириш осон, лекин уни сақлаб қолиш қийин. Ҳар бир одам шу сўзни ҳаётий тажрибаси асосида турлича тушунади. Дўстлик ҳақида кўплаб мақоллар, шеърлар, қўшиқлар ва куйлар ёзилган. Сиз учун ҳақиқий дўст қандай бўлиши керак? Синфдошларингиз ичида дўстларингиз борми?

• Доирада дўстликка оид керакли сўزلарни топиб, ҳақиқий дўстга хос фазилатларни кўрсатинг.



• Мақолнинг маъносини тушунтиринг:

Яхши билан юрсанг – етарсан муродга,
Ёмон билан юрсанг – қоларсан уятга.

2-топшириқ. Қўшиқни ўрганинг.



Менинг дўстим

Сўзи: О. Ақипбекўгли

Муסיқаси: А. Бушикова



Биринчи дўстим – Бахтиёр,

Иккинчи дўстим – Ихтиёр.

Учинчи дўстим – Улуғбек,

Тўртинчи дўстим – Турсунбек.

Бешинчи дўстим – Басқар,

Олтинчи дўстим – Асқар.

Еттинчи дўстим – Ерик,

Саккизинчи дўстим – Серик.

Тўққизинчи дўстим – Тоқан,

Ўнинчи дўстим – Оқан.

Бизлар иноқ дўстлармиз,

Бирга қувнаб ўйнаймиз.



• Синфдошларингиз билан бирга қўшиқни қувноқ, шўх усулда чиройли ижро қилинг.

• Қўшиқни такрорлаб ижро қилганда ритмига чапак орқали жўр бўлинг.

3-топшириқ. Ижодий иш. Таҳлил.



Исмлар ритми (дидактик ўйин)

Ўйин қоидаси: Ўқувчилар гуруҳга бўлиниб, берилган топшириқларни бажаради. Барча топшириқларни тўғри ва биринчи бажарган гуруҳ голиб бўлади.

1. Масалан, Ойсанам, Жолдасбек, Доногул, Тангриберган, Бобомурод, Ботирхон ва ҳ.к. исмларни ритм билан айтиш керак.

2. Муаллим берган расмлар билан танишиш. Гуруҳдаги бир боланинг исмини қўшиб содда гап тузиш. Масалан: «Мақсад қўшиқчи» деган гапга мос келадиган расмдаги ритмни чапак чалиб айтинг, гуруҳ билан бирга кўрсатинг.

Баҳолаш.

- «Менинг дўстларим» қўшиғини қандай ижро этдим?
- Қўшиқни ижро этганда қандай қийинчиликлар бўлди?
- Исмлар ритми ўйинидан қандай тушунча олдим?



САНЪАТКОР ОИЛА

1-топшириқ. Тинглаш. Таҳлил қилиш. Қўшиқ ўрганиш.



1-синфда ўрганган «Менинг Ватаним» қўшиғининг биринчи сатрини ёдингизга туширинг. Ўтибор берсангиз, «Ватан – менинг ота-онам» деган

ажойиб мисранинг моҳияти жуда чуқур ва бебаҳо. Ватанимиз оиладан, ота ва она тарбиясидан бошланади. «Оила – бахт маскани» деб халқимиз бежиз айтмаган. Ҳар бир оиланинг мустақкамлиги бахт-саодат, тотувлик, ҳамжиҳатлик, ҳурмат-эҳтиром, тинчлик ва ҳалоллик ҳамда меҳр-оқибатдан иборат. Сиз қандай фикр билдирасиз?

Жарасты жанүя*

Сўзи: А. Асылбек

Муסיқаси: А. Бушикова



1. Біздің де жанүя сәнімен,
Баршаға ұнайды әнімен.
Айналып кетеді думанға,
Аспаптар қосылып мәнімен.

* жанүя – оила.

Нақарот:

Осындай біздің де жанұя,

Бәріміз біргеміз.

Көңілдер – шалқыған дария.

Тойлаймыз күнде біз.

} 2 марта

2. Күйлерін құлаққа қондыра,

Бауырым тартады домбыра.

Атам мен әжем де қалыспай,

Қосыла қағады даңғыра.

Нақарот.

- ?! • Құшиқни охиригача тингланг. Құшиқ мазмунига эътибор беринг, синфдошларингиз билан бирга ҳикоя қилинг.
- Құшиқни ўрганинг. Құшиқ сўзларини аниқ айтинг. Оҳангини тоза ва соф ижро этинг.
- Құшиқда қандай асбоблар ҳақида айтилган?
- Ўзингиз билган қозоқ миллий чолғу асбобларини айтинг. Катакчалардан номларини топиб, тушунганингизни ёзинг.

Д □ □ □ □ □ □ □ З Қ □ □ □ □ □ З

Д □ □ □ □ □ □ А

Ч □ □ □ □ □ □ □ З

Ж □ □ □ □ □ □ □ Н

Регистр – асбоблар садосининг, инсон овозининг юқори, ўрта, пастки баландлиги.

2-топшириқ. Маълумот тўплаш. Таҳлил.

?! Қўнғироқ, дўмбира, довулпаз ҳамда сурнай мусиқа асбобларининг садосини видеотасмадан тингланг.

• Дўмбира, довулпаз, қўнғироқ, сурнай асбобларининг садоси қандай регистрда (баландликда) ижро этилади?

• Кишилар, аёллар, болалар овози қандай регистрда жойлашади?

3-топшириқ. Ижодий иш.



Товуш баландлиги

(дидактик ўйин)

Ўйин қондаси:

Муаллим ўқувчиларга видеотасмага ёзилган турли товушларни: одамнинг, мусиқа асбобларининг, қушлар билан ҳайвонларнинг товушларини эшиттиради.

Тинглаш жараёнида ўқувчилар қўлларида юқори (қизил), ўрта (сарик), пастки (кўк) регистрни билдирадиган карточкаларни кўтаради. Икки мутахассис (ўқувчи) тўғри ва нотўғри жавобларни ҳисоблайди, ўйин охирида натижасини чиқаради. Яхши натижа кўрсатган ўқувчилар голиб бўлишади.

Баҳолаш.

- «Жарасты жануя» қўшиғини қандай ижро қилдим?
- Қўшиқни ижро қилганда қандай қийинчиликлар бўлди?
- Янги мавзу ҳақида қандай тушунча олдим?



БИР ОИЛА ВОҶЕАСИ

(Қизиқарли саёхат)

1-топшириқ. Тинглаш. Ахборот излаш.



Оиламнинг музиқий саёхати

Музиқаси: Г. Абдрашева



Ёзги дам олишда иккинчи синф ўқувчиси Гулнора пойтахтга бормоқчи бўлиб, оиласи билан саёхатга чиқди. Саёхатни улар поездга миниб, туғилган шаҳри – Алматидан бошлади. Тараз, Шимкент, Туркистон шаҳарларидан ўтиб, Қизилўрда орқали Оқтовга етди. Каспий денгининг гўзаллигини томоша қилиб, Ватанимизнинг бош шаҳри Нур-Султанга келишди. Гулноранинг саёхати унинг ҳаётида катта из қолдирди. Шу саёхатнинг таассуротидан улғайганда у «Ои-



ламнинг мусиқий саёҳати» деган асар ёзди. Ушбу асарда қуйидаги кўринишлар мавжуд: «Хайр Алматам!», «Йўлга чиқдик!», «Шарқона бозор!», «Туркистондаги Яссавий мақбараси», «Каспий тўлқинлари», «Салом сенга, Нур-Султан!».

- ?! •** Мусиқани бошидан охиригача диққат билан тингланг.
- Кўринишлардаги етакчи оҳангни ўрганинг.
 - Мусиқани тинглаганда, етакчи оҳангни эшитган вақтда қўлингизни кўтаринг. Фикрингизни айтинг.
 - Етакчи оҳангни муаллимнинг ижросида тингланг.
 - Муаллимнинг ёрдамида синфдошларингиз билан етакчи оҳангни нотага қараб ижро қилинг.



- Асарни бошидан охиригача яна бир марта тингланг. Асарда қанча кўриниш бор?
- Кўринишларнинг номлари ижро этилаётган асарнинг мазмунини ёритадими? Тушунганингизни айтинг, гуруҳда таҳлил қилинг.
- Асарнинг ижро этилишига эътибор беринг. Доскада ёзилган намоёишларни номлари билан таққосланг. Тушунганингизни айтинг, гуруҳда таҳлил қилинг.

Мусиқий картина – бастакорнинг табиат кўринишларидан, воқеалардан олган таасуротларини бадиий тушунарли усулда етказувчи асар.

Лейтмотив – немис тилидан таржима қилинганда «етакчи оҳанг» деган маънони билдиради.

2-топшириқ. Таҳлил. Ижро қилинг.



Етакчи оҳанг

?! Муаллим сизларга мана шу чоракда ўрганган бир неча куйларнинг етакчи оҳангини ижро қилади. Қўшиқларни ёдга тушириб, чиройли ижро этинг.

Баҳолаш.

- «Оиламнинг муסיқий саёҳати» пьесасини тинглаганда қандай таассурот олдим?
- Қўшиқ тинглаётганда кўринишларни фарқлашда қандай қийинчиликлар бўлди?



Ұранганингизни текширинг:

1. «Болайықшы осындай» қўшиғининг биринчи бандини дафтарингизга тўлиқтириб ёзинг:

... бала еңбекшіл,
Ер-азамат
Қиындықты ... кіл,
... гүл толады.

2. Ритм – бу ...

А. бир хил ва турли оралиқдаги товушларнинг кетма-кетлиги

В. бир хил товушларни ижро этувчи муסיқа

С. чизиқлар орасида жойлашган нота

Д. нота ёзишга ёрдам берадиган восита

Е. суръатнинг бир тури

3. *До, ми, соль* ноталарини дафтарга нота чизиқларини чизиб, тўғри жойлаштиринг.

4. Регистр ... бўлади:

А. турли

В. юқори, ўрта, паст

С. енгил бўлади

Д. нота ёзишга ёрдам беради

Е. суръатнинг бир тури

5. Қозоқ халқ муסיқа асбобларини топинг.

А. баян, қўбиз

В. скрипка, қўбиз

С. дўмбира, довулпаз

Д. қўшиқ, қалам

Е. асатаёқ, ксилофон

6. Топшириқларни дафтарингизда бажаринг.

1-топшириқ:

Нота чизиқларига *до, ми, соль* ноталарини жойлаштиринг.




2-топшириқ:

Нота чизиқларига *до, ми, соль* ноталарини чорак ва нимчорак усулида жойлаштиринг.



3-топшириқ:

Нота чизиқларига *до, ми, соль* ноталарини чорак ва нимчорак усулида жойлаштиринг ва қўл ҳаракатлари билан кўрсатинг.



3-бўлим. МЕНИНГ МАКТАБИМ



Бўлимдан:

- мусиқани тинглаб, асар мазмунини аниқлашни;
- асбобнинг товуш тембрини ва динамик хусусиятларни аниқлашни;
- мусиқий атамаларни ўзлаштириш жараёнида турли қўшиқлар ва чолғу композицияларини таҳлил қилишни;
- ўз ишингиз ҳақида фикр билдиришни ва уни амалга ошириш бўйича тавсиялар беришни

ўрганасиз.

Мусиқий саводхонлик:

- *до, ми, соль* ноталари;
- нимчорак, чорак ноталар;
- мусиқий асбоб: қўнғироқ;
- суръат: тез, жуда тез, аста, секин, оҳиста;
- ритм;
- товуш тембри.

Мусиқий таърифлар:

- *до, ми, соль* ноталари – *до, ми, соль* ноталари – ноты *до, ми, соль* – notes *do, mi, sol*;
- тембр – дыбыс бояуы – тембр – timbre;
- суръат – екпін – темп – tempo.



ЖАРАНГЛА ҚҰНҒИРОҒИМ

1-топширқ. Тингланг. Таҳлил қилинг.



Қўнғироқ – қозоқ халқининг қадимдан келаётган мусиқа асбоби. Асатаёқ, чилдирма каби жарангдор асбобларнинг қаторига киради. У ичи бўш гумбаз бўлиб, гумбазнинг ўртасига илинган тилдан иборат. Тил гумбазга урилганда товуш чиқаради.


Авваллари қўнғироқ сигнал берадиган асбоб сифатида фойдаланилган. Ёнғин содир бўлганда ва темир йўлда поездларни йўналтириш учун сигнал сифатида ишлатилган. Кейинчалик қўнғироқнинг кичик тури мактабда дарснинг бошланиши ва яқунланиши белгиси сифатида қўлланилди. Мусиқа соҳасида ҳам қўнғироқнинг оҳангдор ва нафис овози кенг қўлланилади.



Қўнғироқ товушлари



Мактаб
қўнғироғи



Қўнғироқ – қозоқ
миллий мусиқа
асбоби

?! • Қўнғироқ товушлари ёзмаларини тингланг. Фарқини ва ўхшашлигини топинг.

Қуйидаги саволларға жавоб беринг:

- Қўнғироқ қандай товуш чиқаради?
- Икки қўнғироқнинг товушлари бир хилми ёки фарқи борми?

2-топшириқ. Ижро қилинг.



Жас дәуірдің түлегіміз

Сўзи: Е. Ұтетилеуов

Муסיқаси: И. Нусипбаев

1. Бау-бақша белдер,
Орман, тау, көлдер –
Көрікті шексіз даламыз.
Дәулеті тасқан,
Сәулеті асқан
Көңілді ауыл, қаламыз.

Нақарот:

Жадырап күндей,
Жайнаған гүлдей,
Бақытты біздер баламыз!

} 2 марта

2. Өзіміз туған,
Көбелек қуған
Өлкеде өсіп, толамыз.
Жалықпай оқып,
Көңілге тоқып,
Білімді адам боламыз.

Нақарот.

- ?! • Қўшиқда нима ҳақида айтилади? Синфдошларингиз билан бирга муҳокама қилинг.
- Қўшиқни талабга мос ўрганиб, ижро қилинг.
 - Қўшиқнинг кайфияти қандай?
 - Зарбли ва шовқинли асбобларни фойдаланиб, қўшиққа жўр бўлинг.

3-топшириқ. Муסיқа яратинг. Ижро қилинг.

- ?! Чорак ва нимчорак нота оралиқларини фойдаланиб, кичик оҳанг яратинг ва ижро этинг. Куйни *до, ми, соль* ноталари билан ёзинг. Дарсда, ўқувчилар олдида қўнғироқ асбобига жўр бўлиб ижро этинг.

Баҳолаш.

- «Кел, балалар, ойнайық» қўшиғини қандай ижро қилдим?
- Қўшиқни ижро қилганда қандай қийинчиликлар бўлди?
- Топшириқ бўйича бажарган таҳлилим тўғри бўлдими?



ДАРСДАН БЎШ ВАҚТЛАРИМ

1-топшириқ. Таҳлил.

- ?! • Мактабдаги кун тартибингиз қандай?
- Мактабда қандай қизиқарли дақиқалар бўлади?
 - Мактабдаги кунингиз қандай суръатда ўтади?
- Саволларга жавоб беринг, синфдошларингиз билан муҳокама қилинг.



2-топшириқ. Тингланг. Таҳлил қилинг.

- Муаллим тавсия қилган парчаларни тингланг. Масалан, Ақан сери Қорамсаўғлининг «Маңмаңгер» қўшиғи, Қурманғазининг «Балбырауын» куйи.
- Ҳар бир композициянинг суръати қандай?
- Асарнинг мазмуни ва кайфиятига суръат қандай таъсир қилади?
- Асарларни қайта тинглаш орқали тақдим этилган расмларни мослаштиринг. Ўз гуруҳингиз билан муҳокама қилинг, фикрингизни айтинг.

Муסיқадаги суръат – муסיқий асарларнинг бажарилиш тезлигини билдиради.

Суръат – муסיқий асарнинг мазмунига боғлиқ: тез, жуда тез, шошилмай, секин, оҳиста бўлади.

3-топшириқ. Ижро қилинг.

 **Кел, балалар, ойнайық**

Сўзи: Қ. Идирисов

Муסיқаси: А. Еспаев



1. Кел, балалар, ойнайық,
Ойнайық та, ойнайық.
Қандай жұмбақ болса да,
Шешпей оны қоймайық.

Нақарот:

Ал тыңдаңдар, тыңдаңдар,
Асығыстық қылмаңдар.
Асықпайық дегенге,
Бөгеліп көп тұрмаңдар.

} 2 марта

2. Бәрің жақсы тыңдаңдар,
Бөгеліп көп тұрмаңдар.
Жұмбақта бар аспан-көк,
Ұшақпенен зырлаңдар.

Нақарот:

Жұмбақта бар өзен, көл,
Пароходпен жүзіңдер.
Айдын суға шомылып,
Ақ шабағын тізіңдер.

} 2 марта

- ?! • Құшиқда нима ҳақида айтилади?
Тушунганингизни айтиб беринг.
• Құшиқ қандай суръатда ижро қилинади?
• Зарбли ва шовқинли асбобларни фойдаланинг. Құшиққа жўр бўлинг.

Баҳолаш.

- «Кел, балалар, ойнайық» құшиғини қандай ижро қилдим?
- Құшиқни ижро қилганда қандай қийинчиликлар бўлди?
- Топшириқ бўйича бажарган таҳлилим тўғри бўлдимми?



МЕНИНГ УСТОЗИМ

1-топшириқ. Тинглаш. Таҳлил. Ижро этиш

Үстаз болу

Сўзи: *Ғ. Қайирбеков*

Үстаз болу – жүректің батырлығы,
Үстаз болу – сезімнің ақындығы,
Үстаз болу – мінездің күн шуағы,
Азбайтұғын адамның алтындығы.



Бугунги кунда кўплаб касблар мавжуд. Уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга. Уларнинг ичида ажойиб касбларнинг бири – муаллим.

Муаллим сизни ва синфдошларингизни ўқишга, ҳисоблашга, ёзишга, дўст бўлишга, мактаб қоидаларига мувофиқ яшашга, катталарни ҳурмат қилишга, табиат ҳамда атроф-муҳитга ғамхўр бўлишга ўргатади.

Шунинг учун у ўзидаги барча инсоний хислатларни шогирдларига сингдиради.

Мактабда муваффақият қозониш учун сизга қандай фазилатлар керак деб ўйлайсиз?

Жадвалдан ўқишингизга керак бўлган сўзларни танлаб, ўзингизнинг билим олишдаги портретингизни яратинг.

Фаоллик

Ялқовлик

Зеҳнлилик

Меҳнатсеварлик

Бепарволик

Чидамлилик



Мұғалім ол біздің

Сүзи: М. Алимбаев

Музыкаси: И. Нусипбаев



1. Білімнің кілтіндей
«Өліппе» ұстатқан.
Оқуға іркілмей,
Тоқуға ұстартқан.
Қамқоры ұл-қыздың –
Мұғалім ол біздің.
2. Қиынға төзуге
Үйреткен қашан да,
Жаманнан безуге,

Жақсылық жасауға.
Қамқоры ұл-қыздың –
Мұғалім ол біздің.

- ?! • Құшиқ қандай туйғуларни уйғотади?
• Бастакор қандай бадий қуролларни фойдаланган?
• Қўшиқни талаб бўйича тингланг ва ўрганинг. Равон ижро қилинг.

2-топшириқ. Таҳлил.



- ?! • Расмларда одамларнинг қандай кайфияти тасвирланган? Кўрсатинг, ўз фикрингизни айтинг.
• Сизнинг фикрингизча, мусиқа одамнинг кайфиятига таъсир қиладими?

3-топшириқ. Тингланг. Таҳлил қилинг.



«Қандай кайфият?»

(ўйин)

Ўйин қондаси:

Л. Хамидининг «Бўлбўл» қўшиғидан, Дәулеткерейнинг «Көрўғлы», Н. Тилендиевнинг «Аққу» куйларидан парчалар тингланг. Парчада қандай асбоблар чалинаётганини аниқланг. Ҳар бир парча учун қандай кайфият тури тўғри келишини, тарқатма материаллардаги расмлардан фойдаланиб, кўрсатинг.

Баҳолаш.

- «Биринчи устозим» қўшиғини қандай ижро этдим?
- Қўшиқни ижро қилганда қандай қийинчиликлар бўлди?
- Топшириқ бўйича бажарган таҳлилим тўғри бўлдими?



ҚУВНОҚ ТАЪТИЛ

1-топшириқ. Импровизация.



«Санамачоқ беллашуви»

(музикий ўйин)

Ўйин қондаси:

Муаллим ўқувчиларга санамачоқ ўйини ҳақида тушунча беради, ташкил қилади. Тушунтириш учун видеотасма кўрсатади.

Болалар уч гурухга бўлинади. Шартга кўра улар саноқни куйга солиб, ижро қилиши керак. Қайси гурух кўпроқ санамачоқ тайёрласа, шу гурух ғолиб ҳисобланади.

2-топшириқ. Ижро қилинг.



Он дегенім – Отаным
(тескари санаш)

Сўзи: Ў. Ақипбекўгли

Муסיқаси: А. Бушикова



Он дегенім – Отаным,
Тоғыз – туған топырағым.
Сегіз – сеңгір тауларым,
Жеті – жасыл бауларым.
Алты – алтын Күн төккен нұр,
Бес – бұлағым мөп-мөлдир.
Төрт – туған ел дәулетті,
Үш – үйлерім сәулетті.
Екі – ата-анам – өбектер,
Бір – бақытты бөбектер.

Аман болса осылар,
Жасыма жас қосылар.
Қадірімді дос ұғар,
Кезім болмас тосылар. } 2 марта

- ?! • Санамачоқнинг мазмунига эътибор беринг. Синф билан бирга ўртоқлашинг, ўз фикрингизни айтинг.
- Қўшиқни талаб бўйича ўрганинг, ижро қилинг.
 - Қўшиқни синф билан бирга чиройли ва ифодали ижро қилинг.

3-топшириқ. Муסיқа яратинг.



«Мақтаб ҳақида санамачоқ»

(импровизация ўйин)

Ўйин қондаси:

Ўз гуруҳингиз билан бирга мақтаб ҳақида санамачоқ тузинг. Тайёр санамачоқни ижро қилиб беринг.

Талаблари: Товуш оралиқларини ва *до, ми, соль* ноталарини фойдаланиш. Санамачоқ куйини яратиш.

Масалан:

Бир деганим – болалар,
Икки деганим – инсонлар,
Уч деганим – улуғлар ва ҳ.к

Синфда муҳокама қилиш.

Талаблари: Санамачоқда учрайдиган товуш оралиқларини таҳлил қилинг.

- Нечта чорак нота, нечта нимчорак нота бор?
- Санамачоқда учрайдиган ритм суръатини ўзгартириш мумкинми?

Ўрганганингизни текширинг:

1. «Жас дәуірдің түлегіміз» қўшиғининг биринчи бандини ва Нақаротини дафтарингизга тўлиқтириб ёзинг:

Бау-бақша ...,
Орман, ..., көлдер –
... шексіз даламыз.
... тасқан,
Сәулеті ...
Көңілді ауыл,

Нақарот: ... күндей,
Жайнаған ...,
Бақытты ... баламыз!

2. Суръат деганимиз нима?

- A. бир хил ва турли оралиқдаги товушларнинг кетма-кетлиги
- B. асарни ижро этиш вақтидаги тезлик белгиси
- C. билим сифатини кўтарадиган илм
- D. нота ёзишнинг бир тури
- E. муסיқа асбобининг номи

3. Тембр деганимиз нима?

- A. қўшиқнинг бир усули
- B. товушларнинг ёзилишини тартибга соладиган белги
- C. муסיқа ритмини кўрсатадиган белги
- D. асбобда ижро қилишга ёрдам берадиган белги
- E. товушнинг сифатини (тусини) кўрсатадиган белги

4. «Мұғалім ол біздің» құшиғининг иккинчи бандини ва Нақаротини дафтарингизга тўлиқтириб ёзинг.

Қиынға ...,
... қашан да.
... безуге,
Жақсылық ...,
Қамқоры ұл-қыздың –
... ол біздің.

5. Л. Хамидининг «Бұлбұл» құшиғини ким ижро қилган?

- А. Бибигул Тўлегенова;
- В. Мақпал Жунисова;
- С. Роза Бағланова;
- Д. Меруерт Ўтекешева;
- Е. Билмайман.



4-бўлим. МЕНИНГ ТУФИЛГАН ЎЛКАМ



Бўлимдан:

- туғилган ўлкамиздаги қиш ойларининг гўзал кўриниши, қорли тоғлари ва ўзингиз яшайдиган ўлканинг ажойиб, бетакрор кўринишини кузатишни;
- турли муסיқа асбобларининг ёрдамида шамолнинг гувиллашини, қорнинг ғичирлашини, бўроннинг увиллашини, алп тоғларни тасвирлаб, табиат муסיқасини яратишни (ёзишни);
- муסיқий – шовқинли асбоблардан фойдаланиб, «Менинг Ватаним» мавзусига муסיқий композиция тузишни ва ижро қилишни;
- қиш, туғилган ўлка ҳақида қўшиқ ўрганиб, Қурманғазининг муסיқасини тинглашни;
- муסיқий атамаларни ўзлаштириб, қўшиқлар ва асбобли асарларни таҳлил ва муҳокама қилишни;
- ўз ишингиз ҳақида фикр билдиришни ва уни амалга ошириш бўйича тавсиялар беришни

ўрганасиз.

Муסיқий саводхонлик:

- крешендо (товушни кучайтириш);
- диминуэндо (товушни камайтириш);
- муסיқий асбоблар: скрипка, дўмбира, ксилофон, қўнғироқ, данғира, учбурчак, барабан;
- пауза.

Музиқий таърифлар:

- крешендо – крещендо – крещендо – crescendo;
- диминуэндо – диминуэндо – diminuendo;
- пауза – кідіріс – пауза – pause.



ОНА ЮРТИМДА ҚИШ

1-топшириқ. Тингланг. Таҳлил қилинг.

 Қиш – табиатнинг ажойиб фасли.

Кўпгина бастакорлар қиш фаслига атаб муסיқа ёзганлар. Шуларнинг бири – қозоғистонлик бастакор Серик Еркимбеков. Бастакор ўз асарида болалик чоғларида бобосининг овулига борган пайтларини тасвирлаб берган. Бўрондан кейин тоғларнинг қишки кўринишлари ўзининг гўзаллиги ва мусаффолиги билан кишини ҳайратга солади. Бўғотлардаги сумалакларнинг товланиши, қор учқунлари ва какликларнинг сайрашлари кўз олдингизда ажойиб эртак каби гавдаланади. Бастакор асарини «Қишки эртак» деб номлашининг сабаби ҳам шунда.



Қишки эртақ

Муסיқаси: С. Еркимбеков

• С. Еркимбековнинг «Қишки эртақ» асарини диққат билан тингланг. Тинглаётганда кўз олдингизга қандай табиий манзараларни тасаввур қилдингиз? Синфдошларингизга тасвирлаб беринг.

• Бастакор ўз асарини нима учун «Қишки эртақ» деб атаган?

• Шу асарнинг етакчи оҳангини нота асосида синф билан бирга айтиб кўринг:



Муҳокама қилинг:

• Туғилган юртингизда қиш қандай бўлади? Таърифлаб беринг.

• Рассомлар қиш бўронини тасвирлаш учун қандай ранглардан фойдаланишади?

• Қишки табиатни қандай сўзлар билан тасвирлар эдингиз?

?! Тушунча берганда қуйидаги таянч сўзларни фойдаланинг: аёз, аёзли, кун, бўрон, шамол, қор ёғди, қор гирчиллади, муз, қиров, кўча совуқ ва ҳ.к.

2-топшириқ. Ижро қилинг.



Қыстың күні көңілді

Сўзи: Қ. Идирисов

Муסיқаси: К. Қуатбаев

- Қараңдаршы далаға,
Дала аппақ ақша қар.
Тал мен үйлер қалада
Жамылыпты ақ шатыр. } 2 марта



2. Біздер жылдам киініп,
Атып шықтық аулаға.
Ақ қар қапты үйіліп,
Ақ мамықтан аумаған. } 2 марта

3. Аппақ қала, ақ қала,
Аспан аппақ, жылтыр мұз.
Бір аулада топ бала
Тамашалап жатырмыз. } 2 марта

?! Құшиқнинг мазмунини, кайфиятини синфдошларингиз билан муҳокама қилинг.

• Қўшиқ қиш фаслини қандай тасвирлайди? Тушунтириб беринг.

• Қўшиқнинг биринчи бандини талабга мос ўрганинг. Қўшиқни ифодали ижро қилинг.

3-топшириқ. Импровизация.

- Икки гуруҳга бўлининг. «Оппоқ қор» қўшиғини ўз гуруҳингиз билан қувноқ, равон ижро қилинг. Иш-ҳаракат орқали қор, шамол, ҳайвонларнинг, бўроннинг товушларини шовқинли асбобларни фойдаланиб ифодаланг.

- ?! •** Ўз гуруҳингиз билан тайёрлаган импровизацияннгиз ёки иккинчи гуруҳнинг бажарган иши омадли чиқдими?
- Қўшиқни тўғри ижро қилиш учун нима қилиш керак?
 - Қиш мавсумини гуруҳингиз билан ифодалай олдингизми?

Баҳолаш.

- «Оппоқ қор» қўшиғини қандай ижро қилдим?
- Қўшиқни ижро қилганда қандай қийинчиликлар бўлди?



ҚИШНИНГ ҚЎЗИ ҚИРОВДА

1-топшириқ. Тинглаш. Таҳлил.



Қиш

(парча)

Сўзи: Абай Қунанбаев

Оқ кийимли, гавдали, оқ соқолли,
Кўр, соқов, танимас тирик жонни.
Усти боши оқ қиров, ранги совуқ,
Босган ери ғирчиллаб, келиб қолди.



Табиатда ҳар бир фаслнинг ўзига хос хусусияти ва гўзаллиги бор. Шу жумладан қиш фасли ҳам оппоқ қори билан, ғирчиллаган аёзи билан, қишки ўйинлари билан ўзгача. Бу фаслда одамлар

табиатнинг сир-асрорини, ўзгача бир унутилмас дақиқаларини томоша қилади. Шу билан бирга бу фаслнинг шафқатсиз қори, бўрони, аёзлари бўлади.

Буюк қозоқ оқини, устоз Абай Қунанбаев ўзининг шеърида қишни жуда чиройли тасвирлайди.

?! Видеотасмага ёзилган Абай Қунанбаевнинг «Қиш» қўшиғини тингланг. Қўшиқнинг мазмунидан олган таассуротингиз билан ўртоқлашинг.

- Шоир ўзининг қўшиғида нима ҳақида айтади?
- Муסיқий бадий асбобларни фойдаланиб, қўшиқнинг парчасини ифодали ўқинг.

- Қўшиққа жўр бўлган мусиқа ёқдими? Мусиқа қўшиқнинг мазмунини ёрита олдими?



Ушбу мусиқа италиялик бастакор Антонио Вивальди томонидан ёзилган. Асарнинг номи «Қиш» деб аталади. Уни тингланг ва қуйидаги саволга жавоб беринг.

- Бастакор мусиқасида қиш фаслини тасвирлай олдими?

Антонио Вивальди – италиялик бастакор, буюк уста, скрипкачи, педагог, дирижёр. У кўплаб ажойиб мусиқий асарларини яратган. Бастакорнинг энг машҳур асарларидан бири «Йилнинг тўрт фасли» «Жылдың төрт мезгілі» («Четыре времени года») номли скрипкали концерт. У 12 та скрипка концертидан иборат, унда «Қиш» асари ўзининг муносиб ўрнини эгаллайди.





Қиш (парча)

Музиқаси: А. Вивальди

?! Антонио Вивальдининг асарини диққат билан тингланг. Асарни тинглаётганда қуйидаги кўринишни тасаввур қилиб кўринг. Қор ёғиб турибди, бироз вақтдан кейин шамол бўлиб, қорни ён-атрофга учириб, бўрон бошланди.



- Асар қандай ритмда ижро қилинди?
- Бастакор қандай динамик белгиларни фойдаланди?

3-топшириқ. Қўшиқни ижро қилинг.

?! «Опоқ қор» қўшиғининг биринчи бандини ёдингизга тушинг.

- Иккинчи ва учинчи бандини ўрганинг.
- Сўзларини аниқ айтиб, куйини ижро қилинг.
- Қўшиқни қувноқ, равон айтишга ҳаракат қилинг.

Шовқинли асбоблар билан жўр бўлинг.

Бастакор – муסיқа асарларини яратадиган мутахассис.

Куйчи-бастакор – куй яратадиган моҳир дўмбирачи.

Муסיқий куй – профессионал вокал ва чолғу асаридир.

Муסיқий асар – мутахассис томонидан яратилган профессионал муסיқа.


4-топшириқ. Тажриба.

Тавсия этилган муסיқа асбобларини кўриб чиқинг ва саволларга жавоб беринг:


- Қандай муסיқий асбоб қишнинг товушларини тасвирлай олади?



барабан



учбурчак



қўнғироқ



данғира



ксилофон

Баҳолаш.

- А.Қунанбаевнинг «Қиш» қўшиғини тинглаганда менга нима таъсир қилди?
- Муסיқий бадий қуроллар ҳақида қандай тушунча олдим?



ОНА ЮРТИМ ҚОЗОҒИСТОН

1-топшириқ. Қўшиқ ўрганамиз.



Отаным – Қазақстан

Сўзи: С. Тойлыбаев

Муסיқаси: А. Исагулова



1. Кең-байтақ, көз жетпейтін жерім менің,
Таулы орман, жасыл жайлау, көлім менің.
Бүгінде бар әлемге даңқың жетті.
Тәуелсіз Қазақстан – елім менің.

Нақарот:

Жасампаз жыр-әнім,
Өзіңсің ғажапстан.
Өсиет, ұраным,
Отаным – Қазақстан!

2. Ғажап қой сұлу көктем, жаздың өні,
Тыңдарсың ән-жүректің сазын әлі.
Шіркін-ай, жер жетпейді бір өзіңе,
Қойнауың тұнған байлық, қазыналы.

Нақарот:

Жасампаз жыр-өнім,
Өзіңсің ғажапстан.
Өсиет, ұраным,
Отаным – Қазақстан!

3. Сен неткен, Отан-анам, ғажап едің.
Әспеттеп көркем тілмен жазар едім.
Болашақ ұрпағыңның бақыты үшін
Жайнай бер, Ұлы Отаным – қазақ елім!

Нақарот.

- ?! • Құшиқ мазмунига эътибор беринг. Қозоғистон табиатининг гўзаллигини, бойлигини ва халқининг ҳамжиҳатлигини синфдошларингиз билан ҳикоя қилинг.
- Құшиқни талаб бўйича ижро қилинг. Сўзини аниқ, оҳангини соф айтишга ўрганинг.

2-топшириқ. Тингланг.



Сариарқа

Куйи: Қурманғази

- ?! Қурманғазининг «Сариарқа» куйини тингланг ва берилган саволларга жавоб беринг:
- Куй қандай кайфиятда, қандай суръатда ижро қилинади?

- Ижро давомида куйнинг динамикаси (товуш кучи) ўзгардими?
- Қурманғазининг яна қандай куйларини биласиз?



Қурманғазӣ Сағирбайўғли – қозоқнинг буюк куйчи – бастакори. Қозоқ чолғу мусиқасининг асосчиси.



3-топшириқ. Мусиқа яратинг.



«Туғилган ўлкаминг гўзал табиати»
(импровизация ўйин)

Ўйин қондаси:

Дафтарингизга туғилган ўлкани таърифлайдиган тўрт мисрали шеър ёзинг. Динамик белгиларни ва зарбли, шовқинли асбобларни фойдаланиб, сўзларни турли оҳангга солинг. Таҳлил қилинг.

Крешендо – товушни аста-секин ошириш
Диминуэндо – товушни аста-секин камайтириш.

Баҳолаш.

- Ўз ишингизни синфдошларингизга, муаллимга таништиринг, баҳоланг.
- Бажарилган топшириқда нима муваффақиятли чиқди? Нима нотўғри бўлди?
- Ижронинг яхшироқ бўлиши учун нимани ўзгартириш керак?

📖 Қиш фаслини Янги йил байрами учун шошилиб кутишади. Болалар оппоқ қордан оқ шаҳар ясаб, арча безандириб, Қорбобо билан Қорқизни кўришга шошилади. Барча яхши тилакларини билдиришади. Ўқувчилар янги йил байрамига бағишланган муסיқий лойиҳаларни тайёрлаб, бир-бирига яхши кайфият улашади.

1-топшириқ. Лойиҳа тайёрланг ва ташкил қилинг.



Дарсда бажариладиган топшириқлар:

1. Концертнинг мавзусини аниқлаш;
2. Концерт дастурини тузишни ўрганиш;
3. Концерт мазмунини саралашни ўрганиш;
4. Концертга жавобгар ўқувчиларни тайинлашни ўрганиш;
5. Концерт дастурига киритилган қўшиқлар, рақслар театрлаштирилган томошалар учун тайёргарлик қилиш.

Намуна.

Лойиҳа мавзуси: «Янги йил Муборак!» номли концертга тайёргарлик.

Лойиҳа мақсади: концерт дастурини тузиш ва керакли тайёргарликларни кўришни ўрганинг.

Вазифалари:

- Концерт репертуарини саралаш ва дастурга кириштиш;
- Концерт дастурига (қўшиқ, рақс, топишмоқлар, сахналаштирилган томошалар ва ҳ.к) тайёргарлик кўриш;
- Концерт бошловчиларини тайёрлаш;
- Концертга келган меҳмонларни кутиб олиш вазифалари билан таништириш;
- Концерт ўтказиладиган хонани безашга қўйиладиган талаблар асосида безашни ўрганиш;
- Концерт санасини белгилаш ва тасдиқлаш.

Репетиция – концертга тайёрланишнинг асосий тури.

Концерт – олдиндан ишлаб чиқилган дастурга тегишли мусиқий ва сахна асарларини омма олдида ижро этиш.

2-топшириқ. Тақдимот.

- Ўз ишингизни синфдошларингизга, муаллимга таништиринг, баҳоланг.

- Бажарилган топшириқда нима муваффақиятли чиқди? Нима нотўғри бўлди?

- Ижронинг яхшироқ бўлиши учун нимани ўзгартириш керак?

Баҳолаш.

- «Янги йил Муборак!» лойиҳасини тайёрлаганда қандай қийинчиликлар бўлди?

- Лойиҳанинг дастурини тўғри туза олдимми?

- Концерт бошловчиларини тўғри танлай олдимми?

Ўрганганингизни текширинг:

1. «Қыстың күні көңілді» қўшиғининг учинчи бандини дафтарингизга тўлиқтириб ёзинг:

Аппақ ..., ақ қала,
Аспан аппақ, ... мўз.
Бір ... топ бала,
Тамашалап жатырмыз.

2. Қурманғази ким?

А. Қозоғистон халқ артисти;

В. қозоқ халқининг буюк куйчи-бастакори;

С. қозоқ миллий оркестрининг бош дирижёри;

Д. қозоқ халқ қўшиқчиси;

Е. қозоқ халқ раққоси.

3. Крешендо нима?

А. товушни аста-секин ошириш;

В. товушни аста-секин камайтириш;

С. қозоқ миллий оркестри;

Д. бир хил ва турли оралиқдаги товушларнинг кетма-кетлиги;

Е. асбоблар оҳангининг, одам товушининг юқори, ўртача, қуйи баландлиги.

4. «Сариарқа» кимнинг куйи?

- А. Қурманғазининг куйи;
- В. Брусиловскийнинг куйи;
- С. Даулеткерейнинг куйи;
- Д. Сугирнинг куйи;
- Е. Таттимбетнинг куйи.

5. Диминуэндо нима?

- А. товушни аста-секин камайтириш;
- В. ҳажмини аста-секин камайтириш;
- С. товушни қаттиқ ижро қилиш;
- Д. бир хил ва турли оралиқдаги товушларнинг кетма-кетлиги;

Е. асбоблар оҳангининг, одам товушининг юқорги, ўртача, қуйи баландлиги.



5-бўлим. ТАНИ СОҒЛИК – ТУМАН БОЙЛИК



Саломатлик кафолати –
Ҳаракат, юриш, югуриш.
Чиниққанлик белгиси
Ўзингни сергак ҳис этиш.

(Ж. Қайранбай)

Бўлимдан:

- куйга рақс ҳаракатларини ўйлаб топишни;
- спорт ўйин турларини фарқлашни ва муҳлис бўлишни;
- спорт майдонидаги турли товушларни фарқлашни;
- мусиқий, зарбли ва шовқинли асбобларни фойдаланиб *до, ми, соль* ноталари билан оддий мусиқий парчаларни тузишни

ўрганасиз.

Мусиқий саводхонлик:

- товуш;
- скрипка калити.

Мусиқий таърифлар:

